

ҒОЛИБЛАР ШАРАФЛАНДИЛАР



Гулистон шаҳридаги мухташам “Наврўз” тўйхонасида йил якунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбир ховослик истеъдодли шоир Абдуғани Абдурахмоновнинг “Карвон олға юраверади” шеъри ва шу шеър асосида яратилган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Асатулла Холиқов куйлаган кўшиқ билан бошланди. Янграган янги шеър ҳамда яратилган янги кўшиқ тадбир иштирокчилари томонидан вилоят маданий ҳаётидаги катта воқеа сифатида қабул қилинди.

Тадбирни вилоят ҳокими Ғофуржон Мирзаев очиб берди. Эсларингизда бўлса, ўтган йили худди шу вақти мен сизлар билан илк марта учрашган эдим. Ўшанда йилни якунлаш чоғида фидойи, ватанпарварвар, юрт фаровонлиги, иқтисодиётимиз, ижтимоий ҳаётимиз равнақи учун астойдил меҳнат қилган юртдошларимизни албатта, рағбатлантирамиз, деган истак билдирган эдик. Ўша фурсат етиб келди, деди вилоят ҳокими.

Бугун поёнига етиб бораётган 2017 йилни кузатар эканмиз, ундан рози эканлигимизни алоҳида таъкидлашни истар эдим. 2017 йил мамлакатимизнинг тараққиёт йўлида, ҳаётимизнинг барча йўналишларида бошланган ислохотларни чуқурлаштириш, жамиятимизни янгилаш, иқтисодиётимизни барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, халқимизнинг фаровонлигини оширишда алоҳида ўрин эгаллади. “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш ва вилоятимиз аҳолисини кўп йиллар давомида қийнаб келаётган муаммоларни ижобий ҳал этиш йўлида амалга оширилган улкан ишлар йили бўлди.

Бугун мана шундай шукуҳли айёмда вилоятимизнинг энг илғор, энг фаол, фидойи зиёлиларимизга, олим ва шифокорлар, жонкуяр ўқитувчи ва мураббийларимизга умуман – мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун меҳнати сингган барча сирдарёликларга самимий ҳурматим ва чуқур миннатдорчилигимни билдиришни ўзимнинг бурчим деб биламан, деди Ғофуржон Мирзаев.



Шулар ҳисобга олиниб, “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” давлат дастурида белгиланган вазифаларни тарғиб этишда жонбозлик кўрсатган, вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этаётган, вилоятни ижтимоий-иқтисодий риводантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган маънавият тарғиботчилари, ёзувчилар, журналистлар, кино ва театр ижодкорлари, эстрада хонандалари, тадбиркорлик субъектлари, ҳуқуқ тартибот идоралари ва Ёшлар иттифоқи вакилларида энг яхшилари аниқланиб, улар муносиб тақдирландилар.

Номинация ғолибларига байрам совғаларини топширар экан, Ғофуржон Мирзаев Сизларнинг меҳнатингиз туфайли вилоятимизга файз-у барака кириб, у республиканинг пешқадам воҳалари қаторидан ўрин олаётганини таъкидлади.



Янги йилга муҳтарам Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев халқимизнинг хоҳиш-истагини инобатга олиб, “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилдилар. Бу змимамизга катта

масъулият юклайди, деди вилоят ҳокими. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳалари тубдан янгилаланади, инновацион ривожланишга катта йўл берилади.



Янги йил ҳаётимизни ҳар томонлама файзли ва баракали, сермазмун бўлиши учун хизмат қилишига ишонаман, дея тилак билдирди нотик.

Шундан сўнг “Йилнинг энг яхши маънавият тарғиботчиси”, “Йилнинг энг ёш маънавият тарғиботчиси”, “Йилнинг соғлом турмуш тарғиботчиси”, “Йилнинг энг яхши эркак хонандаси”, “Йилнинг энг яхши аёл хонандаси”, “Йилнинг энг яхши кўшиғи”, “Йилнинг энг яхши рассоми”, “Йилнинг энг яхши журналисти”, “Йилнинг энг яхши интернет журналисти”, хуллас, ҳаммаси бўлиб 55 та номинациянинг биринчи, иккинчи, учинчи ўринларини эгаллаган ғолибларга вилоят ҳокимининг дипломлари ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Куй кўшиқларга, рақсларга уланди. Вилоятимизнинг кўзга кўринган санъаткорлари ва ижрочи ёшлари даврага файз киритишди.

Ортиқ СУЛТОНОВ.
Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати